


ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ – МУТАФАККИР



Саломова Хакима Юсуповна

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ –
МУТАФАККИР**

**Бухоро
“Дурдона” нашриёти
2022**

Мазкур илмий рисола инсониятга улкан фалсафий ва шеърий мерос қолдирган буюк сиймо Жалолиддин Румий хақида. Мавлоно қаламига мансуб ҳар бир байт, ҳар бир мисра неча асрлардан бери ўз қадр-қимматини йўқотмаган. Унинг барча ғазаллари, қасидалари, рубоийлари ва маснавийлари Шарқ ва Ғарб китобхонларининг маънавий чанқоғини қондириб, ҳамон инсониятни комиллик сари етаклаб келмоқда.

Тақризчилар:

- | | |
|---------------------|---|
| К.Б.Шодмонов | <i>БухДТИ профессори, фалсафа фанлари доктори</i> |
| О.Т.Шарипова | <i>БухДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди</i> |

Рисола БухДУ илмий-техник кенгашининг 2022 йил 26 февралдаги 9-сонли йиғилиш баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

**МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН МУҲАММАД
ал-БАЛХИЙ ар-РУМИЙ
(1207-1273)**

ИСМИ-ШАРИФИ

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад ал-Балхий ар-Румий, Жалолиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддин ибн Ҳусайн ибн Аҳмад ал Ҳатиб ибн Собит ибн Масиб ибн Мутаххар ибн Ҳаммод ибн Абдурәҳмон ибн Абубакр. Тахаллуслари Мавлоно, Мавлавий, Шамси Табризий ёки Ҳомуш, Ҳудовандигор.

Уларнинг исми – Муҳаммад, лақаби – Жалолиддин, ёру-дўстлари ҳурмат билан – Мавлоно дейишишган. Ҳозирги пайтда Туркияда “Ҳазрат Мавлоно” деб эъзозлашади. Ёшлигиданоқ мўътабар шахс сифатида “хожа”, “саравар”, “жаноб” маъносидаги Ҳудовандгор лақабини олган.

У ЗОТ КИМ ЭДИЛАР?

Жаҳон донишманди, файласуф-шоир, энг забардаст мутасаввиф донишмандлардан бири, буюк инсонпарвар ва мутафаккир шоир, воиз, “мавлавия” тариқатининг асосчиси

ҚАЕРДА, ҚАЧОН ТУФИЛГАНЛАР?

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад ал-Балхий ар-Румий Рабънул аввалнинг олтиси, арбаъ ва ситамиа 604/1207

йилнинг 30 сентябрида¹ Афғонистоннинг Балх (мазкур шаҳар ўша пайтда “Уммул-билод”, яъни “Шаҳарлар онаси” деб аталган) шаҳрида² етук воиз, билимдон мударрис, фикҳ олими, фатво соҳиби, тасаввуф донишманди, қубравия тариқати шайхи, Султон ул-уламо номи билан машҳур бўлган Баҳоуддин Валад хонадонида дунёга келди. Баъзи илмий тадқиқотчилар уларнинг туғилган жойини Вахш – ўрта аср Леваканд, аниқроғи, ҳозирги Сангтуда (ҳозирги Тожикистон пойтахти Душанбедан 65 километр узоқда бўлган жой) дейишидади.

¹Ҳозирги пайтда 30 сентябрни бутун дунё Румий куни деб нишонлашади.

²Рум – Усмонли турклар мулки бўлиб қолган Кичик Осиё, яъни Кадимги Рим империяси ерларини Шарқда Рум дейишар эди. Жалолиддин Румда яшагани учун Румий, Мавлоно Румий, Жалолиддин Румий дейишидади.

ШАХСИЙ ҲАЁТЛАРИ

Жалолиддиннинг оталари қубравия тариқати шайхи, Султон ул-уламо номи билан машҳур бўлган Баҳоуддин Валад, муҳтарама волидалари - оналари Мўмина хотун Балх амири Рукниддиннинг қизи бўлиб, насл-насаби жиҳатидан у Муҳаммад алайҳиссаломга, ота томонидан Бакр Сиддиққа бориб боғланади. Баҳоуддин Валад 1148 йилда туғилганлар. Илгор фикрли Султон ул-уламо - Баҳоуддин Валад – Вахш, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида ўз оиласи билан яшаган.

Султон ул-уламо - Баҳоуддин Валад 1220 йил Каъба зиёратига чиқадилар. Баҳоуддин Валад Нишопурда тасаввуф шайхи ва мутасаввиф шоир Фаридиддин Аттор билан учрашадилар. Фаридуддин Атторнинг асл исми Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим (1145-1230) Эроннинг Нишопур вилоятининг Кадокон қишлоғида аттор ва табиб оиласида дунёга келган. 75 ёшли Фаридуддин Аттор ўзларининг “Асрорнома” асарларини 13 ёшли Жалолиддинга тақдим этадилар. Жалолиддин Румий то умрининг охиригача ушбу асарни ўз ёnlарида олиб юрганлар.

Султон ул-уламо - Баҳоуддин Валад Шайх Нажмиддин Кубро (1135-1221)нинг шогирдлари бўлган. Нажмиддин Кубронинг издоши ҳамда яна бир шогирдлари - Бобо Камол Жундий бўлганлар. Шайх Нажмиддин Кубронинг 300 шогирдлари бўлган, биз улардан баъзиларининг номларини келтирамиз.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО

| | | | | | |
|-----------------------|----------------------|----------------------------|-----------------------|-------------------------|--|
| Маждиддин Бағдодий | Саъдуддин Ҳамавий | Разиуддин Алийи Лоло | Сайфуддин Боҳарзий | Бобо Камол Жундий | Баҳовуддин Валад (Румийнинг оталари ва бошқалар) |
|-----------------------|----------------------|----------------------------|-----------------------|-------------------------|--|

Фаруддин Аттор
(Мансур Ҳалложнинг
Нури 150 йилдан сўнг
Фаридуддин Аттор
руҳига тажалли қилди.
Мансур Ҳаллож
уларнинг Увайсий
устозлари бўлган.



Шамс Табризий¹ Сирдон Термизий

Фаруддин Аттор, Сирдон Термизий ва Шамс Табризийлар Жалолиддин Румий дунёқарашига, диний ва дунёвий тафаккурига, маънавий оламига ўз асарлари – фикр – мулоҳазалари билан катта таъсир қилган инсонлардир.

Бобо Жундийнинг шогирдлари Шамс Табризий бўлганлар. Шамс Табризийнинг атиги биргина шогирдлари - Шайх Иброҳим деган киши бўлган. Баҳоуддин Валаднинг шогирдлари Сирдон Термизий, яъни Сайид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий (тахм.1165-1241 йиллар) улардан илм ва тарбия олганлар. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай деб ёзганлар:”Ҳусайний саййиддур ва Тирмиздир эрди ва Шайх Баҳоуддин Валад (қ.с.)нинг асҳоби ва муридларидиндур...”.

“Устоз-шогирд” шажарасини тузсак:

¹ Қаранг.: Китобхондан бир нарсага эътибор беришингизни сўрпаймиз. “Устоз – шогирд” шажарасида ҳар бир шогирднинг асосий устозлари кўрсатилган. Аммо шогирдлар биргина устоздан эмас, балки бир неча устоздан таълим олишган. Шамс Табризий Бобо Жундининг (Бобо Жундининг ўзлари Нажмиддин Кубронинг – С.Х.) шогирдлари бўлганлар Аммо ўз ўрнида уларга: Али – Маъруф Кархий – Сарри Саккатий Жунайд Боғдодий – Абуали Рудбарий- Салом Мағрибий – Абдуқодир Сухравардий Қутбиддин Абхари – Рукниддин Сиджисий каби тафаккур эгаларининг фикр-мулоҳазалари, илмий асарлари катта таъсир кўрсатган. Булардан ташқари Шайх Шамсиддин Табризий Авҳаддин Кирмоний, Мухиддин ибн ал-Арабий каби ўз замонасининг ўта буюк мошойхларидан таълим олган.



Булардан ташқари Жалолиддин Румийнинг ўнлаб йирик шогирдлари бўлган, бундай йирик ва илмли шогирдлари билан Мавлонои Рум Кичик Осиё халқлари орасида кейинроқ бутун дунёда мўътабар шахс бўлиб танилдирлар.



¹Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси. Самарқанд. Имом Бухорий халқаро маркази. 2016. 375-бет.


² Мавлоно Румийнинг бир қатор шогирдлари, дўстлари ўзлари билан бир мақбарада дағн қилинган.

Сайид Бурхониддин Мухакқиқ Термизий бир неча марта Балхга ўз устозлари ёнига бориб, аввал ойлаб, сўнг эса икки-уч йиллар қолиб, устозидан бутун илмларни ўрганиб, маънавий камолотнинг юксак чўққиларига эришади. Ўз илмидан қониқмаган Сайид Термизий 12 йил давомида устози Баҳоуддин Валад хизматида бўлади, у кишидан илм ва ирфон ўрганиб, зоҳирий ва ботиний илмлардан дарс олади, устозидан ижозат олиб, риёзатга чекинади.

Баҳоуддин Валад ўз оиласи билан Вахш, Термиз ва Самарқандда бир неча йиллар яшашган.

Румий 5 яшарлик пайтларида оила Самарқандда яшашган. “1212 йили “Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Султон Усмон билан жанг қилиб, шаҳарни эгаллаб, шаҳарни талон-тарож қилган чоғида Баҳоуддин Валад оиласи билан Самарқандда яшарди”¹, ўша пайтда Жалолиддин Румий беш ёшли бола эдилар. Ҳақиқатдан ҳам Жалолиддин Румий маснавийларида Самарқанддаги Сарикул, Ғоторар маҳаллалари тилга олинади, чунки Самарқанд марказидан ўтаётган катта ариқ атрофида обод маҳаллалар жойлашган. Жалолиддин Румийнинг болалиги ўтган даврда шаҳар анча обод бўлган, илму-фан ривож топган, Боғдод, Дамашқ каби илму-маърифат масканларидан бири бўлиб, Марказий Осиё худудларининг маркази ҳисобланган.

¹ Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. Т.: ”Шарқ”. 2008. 4-бет.



Мазкур харита Жалоддин Румий яшаган даврға мос

Мавлоно “Фиҳи мо ғиҳи” (“Ичингдаги ичингдадир” асарида ўша воқеаларни эслайди¹. 1219 йилда Баҳоуддин Валад оиласи билан Балхдан Конъя (Кўния)га кўчиб кетишади, айнан мана шу вақтда, яъни 1219 йилда Бурҳониддин Термизий ҳам Балхдан ўз юрти Термизга қайтиб боради.

Оила Хуросон, Бағдод, Ҳижоз, Шом (Сурия)га бир неча йиллик сафар қиласи. Шундан сўнг Мавлоно оиласи Лорандада 7 йил яшаб қолишади. Лоранда ҳокими Баҳоуддин

¹Мұхаммад Истеъломий. Илохий ишқ қуйчиси (Мавлоно Жалолиддин Мұхаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Мұхаммад таржимаси. Техрон.: 2001. 10-бет.

Валаднинг ҳурматини жойига қўйиб, у учун алоҳида мадраса қуриб беради.

1225 йил айнан мана шу Лоранда шаҳрида Жалолиддин уйланиб, оиласи бўлади. У кишининг қайнаталари ҳам Самарқандлик савдогар исмлари - Шарафиддин Самарқандий деган ниҳоятда илмли инсон бўлган, улар Султон Валаднинг энг содик мухлисларидан бири саналганлар. Қизларини исми Гавҳар хотун бўлган. Жалолиддин Румий Гавҳар хотунга уйланиб икки ўғил кўради:

1. Султон Валад тахаллуси билан машҳур Баҳоуддин Муҳаммад

2. Алоуддин Муҳаммад

Оталари - Султон ул-уламо Лорандадаги мадрасада яшаб, мударрислик қилдилар.

Оналари Мўмина хотун ҳам Лорандада (Караман) вафот этган ва шу ерда дафн қилинган.

Инсон учун оила ва муҳаббат факат ягона бўлишини, қалб факат бир ўзга жинсга мафтун бўлиши мумкин, деб якка никоҳни қувватлаган Мавлоно, факат мажбурий вазият тақозоси туфайли, Гавҳар хотун вафотларидан сўнг, қўниялик Кира хотунга уйландилар. Кира хотунни – “иккинчи Робийа” ва “Биби Маръям”га ўхшаган аёл бўлган деб, уларни халқ эъзозлашган. Жалолиддин Румий иккинчи уйланишидан ҳам икки фарзанд - бир қиз ва бир ўғил дунёга келган. Уларнинг исмлари:

1.”Амири олам” лақаби билан машҳур сарой хазинадори
Музаффариддин

2. Малика хотун

Кира хотуннинг аввалги турмушларидан бири қизлари бўлиб, унинг исми Кимё бўлган. Мавлоно ўгай қизларига ҳам устозлик қилганлар, сўнг уни ўз устозлари ва дўстлари Шамс Табризийга узатганлар.

Мавлоно оиласини салжуқийлардан бўлган маърифатпарвар ва шоиртабиат Султон Алоуддин Кайқубод Кўнияга таклиф этади. 1228 йил Мавлоно оиласи Кўнияга келганда Алоуддин уни катта тантана билан кутиб олиб, хурмат-эҳтиром кўрсатади.

Баҳоуддин Валад Олтинпо мадрасасида истиқомат қилиб, дарс беради. Унинг воизлик шухрати бутун шаҳарга ёйилиб, амир-амалдорлар, ҳатто Султоннинг ўзи ҳам доимий равишда ваъз мажлисларига келиб туришарди.

1232 йили Баҳоуддин Валад Кўнияда оламдан ўтади.

Орадан бир йил ўтиб, яъни 1233 йилда устозини излаб, унинг термизлик шогирди, Сирдон номи билан машҳур бўлган – Саид Бурҳониддин Мұхаққиқ Кўнияга келади.¹

¹Баъзи илмий манбаларда Саид Бурҳониддин Мұхаққиқнинг Кўния (Конъя)га келиши 1233 йил деб берилган бўлса. баъзи қомусномада, масалан, “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси”.(Самарқанд.Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти.2016.376 бет.)да 1232 йил деб берилган. Аммо ўз устозини вафотини эшлитиб, устози оиласидан хабар олиш учун Кўнияга келади, дейилган.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Нафоҳат ул-инс мин ҳазорат ал қудс” асарида мавлавия тариқатининг асосчиси Жалолиддин Румийнинг устози “Сайиди Сирдон” лақабли Сайид Бурхониддин тўғрисида:” У саййидлардан, Ҳусайн авлодидан, Термиздандир” деб ёзган эди.¹

“Сируллоҳ ул-аъзам” – “қалби Ҳақ сирларига ошно инсон” деган маънени англатади. Алишер Навоий ҳам Бурхониддин Муҳаққик, яъни дадаларининг термизлик шогирди Сирдон лақаби билан машҳури Сайид Бурхониддин Термизий Жалолиддинни тўққиз йил давомида тарбиялаганини айтади.² Бурхониддин Термизий устозидан ўрганган ҳол илмини ҳам шогирдига астойдил ўргатади.

Сайид Бурхониддин Термизий тавсиясига кўра Жалолиддин яна бир неча йил Ҳалаб ва Дамашқ мадрасаларида таҳсил олиб, илмини камолга етказади. Ҳалабдаги машҳур Ҳалавийа мадрасасида у буюк араб олимни, қози ва вазир Камолиддин ибн ал-Адим билан борлиқ, тўрт унсур – ўт, ҳаво, тупроқ ва сув ҳақида суҳбатлашишди. Улар қатралар, қатралардан туғилган дарёлар, дарёлардаги сувлар доимо оқади, оққан сувлар қайтмайди, уларнинг ўрнига

¹ С. Турсунов, Э. Қобилов, Т. Пардаев, Б. Муртазоев. Сурхондарё тарих кўзгусида. Т.: ”Шарқ”. 2001. 106-бет.

² Алишер Навоий Насойим ул-муҳаббат. 325-326 бетлар.

янгиси келади, оқимнинг доимийлиги, унинг ҳаётидан далолатдир.

Мавлоно асосан диний илмлар билимдони, шариат олими эди. Таҳсилни тугатиб келгач, Бурҳониддин уни хилватга даъват этиб, уч бора чилла ўтиргизганидан сўнг, унга муршидлик хирқасини кийгизади.¹ Мавлонога устози Сайид Бурҳониддин Термизий ўз устози “Султону-л-уламо” Баҳоуддин Валаднинг “Маъориф” номли асарини бир неча марта, такрор ва такрор ўқитади.

1232 йилдан 1241 йилгача давом этган илмий, маънавий таҳсил тугайди. Мавлоно Румий ўз устози отаси комил инсон қилиб тарбиялаган Сайид Бурҳониддинга қаттиқ меҳр қўйган, ундан ўзини узоқлашишини сира истамас эди. Сайид Бурҳониддиннинг: “Аллоҳга ҳамд бўлсин ишинг тамом бўлди. Инсонлар сендан нур ва насиб (ilm) олади. Кетишимнинг сабаби шу: шиддатли ва қувватли бир арслон бу ўлкага (Конъя)га келмоқда. У ҳам бир арслон, мен ҳам бир арслон, иккимиз бир-биrimiz билан келиша олмай қолишимиз мумкин”. Ҳақиқатдан ҳам Сайид Бурҳониддин Термизий Қайсари шаҳрига кетишидан оз вақт ўтмай, бу шаҳарга Шамсиддин Табризий кириб келади.

¹ Эслатма.: Туркияning Қайсари шаҳрида Ҳазрати Шайх Сайиди Сирдон – Сайид Бурҳониддин Термизийнинг мақбаралари бор. Устозини соғиниб борган Бурҳониддин ўша шаҳарда дафн қилинган. (С.Х.)



Шамсиддин Табризий ва Жалолиддин Румий – икки маънавий етук, буюк инсон, бир-бирини тўлдирувчи, қалбан яқин, ҳақиқий дўст, бири иккинчисида ўзини кўрган, инсоният учун Инсонни кашф этган инсонлар учрашишди. Одамлар бу жойни “Маржа –аль – баҳрайн”¹ – “Икки денгиз учрашуви” деб аташган. Бу воқеа 1244 йилнинг 26 ноябрида рўй берган эди.²

¹ Қаранг.: Туркияning Кўнё шаҳрига, марказдан унча узокда бўлмаган “Салжуқпалас” меҳмонхонаси қаршисидаги бино айнан “Маржа аль-баҳрайн” – “Икки денгиз учрашуви” деб аталган жойдир.

² Улар орасидаги илк учрашув 1243 йилда рўй берган бўлиб, бу учрашув бир оний бўлган холос. Шу сабабли икки донишманд, икки даҳо учрашувини 1244 йил деб ҳисоблашишади.

Инсонпарварлик диалектикаси мағзини ташкил этган бу сұхбат 1248 йилнинг 5 декабригача давом этди. Шакл ва мазмун, моҳият ва ҳодиса, маҳрумият ва муяссарият, илоҳийлик ва дунёвийлик, билиш, олам ҳақидаги тинимсиз баҳс-мунозаралар тугалланмай қолди.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ АСАРЛАРИ

Мавлоно Румий маънавий мероси бешта асарни ташкил этади. Аммо уларнинг ҳар бири улкан маънавий жавоҳир саналади.

| Асарнинг номи | Ҳажми | Асарнинг бошқача номлар билан улуғланиши |
|----------------------|---|--|
| “Маснавийи маънавий” | 6 дафтар 25700 байт, яъни (51400 мисра): Биринчи дафтар – 4018 байт; Иккинчи дафтар – 3810 байт; Учинчи дафтар – 4811 байт; Тўртинчи дафтар – 3855 байт; Бешинчи дафтар – 4240 байт; Олтинчи дафтар – 4928 байт- дан иборат. | “Форсий Куръон” “Маънавият денгизи” “Тасаввуф қомуси” “Дунё китоби” |
| “Фиҳи мо фиҳи” | Фалсафий-маърифий асар | “Ичиндаги ичингдадир” |
| “Макотиб” | Мавлоно Румийнинг ёру-дўст ва муридларига ёзган 144 та мактубни ўз | ёхуд “Мактубот” |

| | | |
|--------------------------|--|--|
| | ичиға олган мактублар тўплами. | |
| “Девони Кабир” | 3365 ғазал вақасида; 15 таржеъ; 1994 рубоий ўрин олган бўлиб, уларнинг умумий миқдори 42 000 байтни ташкил этади. | Ёхуд “Куллиёти Шамс Табризий” шеърий Девони, ёки Девони Шамсул-ҳақойик” деб аталган. |
| “Мавоизи мажолиси сабъа” | Бу асар Румийнинг етти ўғит ва панд-насиҳатларидан иборат | |

“Маснавийи маънавий” Румийнинг улкан тасаввуфий-ишқий асари бўлиб, ўн тўрт йил давомида севимли ва садоқатли шогирди Хисомуддин Чалабийнинг¹ фаол ҳамкорлигида унинг жонбозлиги, кўмаги билан битилган. Бу буюк китоб ўн йиллар чамаси муддат оралиғида яратилиб 1269 йил Мавлоно вафотларидан тўрт йил илгари ёзиб тамомланган. Р. Никольсон мазкур китобни “Ирфоний китоб”, А.Шиммел “Тасаввуф қомуси” каби сифатлар билан аташди.

Абдурахмон Жомий Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ҳақидаги байти:


“Маснавии маънавии Мавлави,
Ҳаст Қуръон дар забони паҳлави”.

илем ахли орасида жуда катта шухрат қозонган. Маъноси:

¹Каранг.: “Чалабий” туркий бўлиб, “тарбияли ёки тарбия кўрган” маъносини беради.

“Мавлавийнинг (Жалолиддин Румийнинг) Маснавий маънавий асари паҳлавий (форсий) тилда битилган – Куръондир”.

Кўриниб турибдики, Жомий “Маснавий маънавий” асарини ғоявий мазмун жиҳатидан Куръон китобига тенглаштирган. Тенглаштирганлигини сабаби шундаки, Румий Куръон китобидаги ривоятлар, сура ва оятлар, ҳикматли сўзлар ҳамда ҳадислардаги ғояларни мазкур асарида шеърият билан содда ва халқчил тилда, тушунарли ифодалаган.



Жалолиддин Румийнинг “Девони кабир” китоблари

Жалолиддин Румийнинг буюклиги шундаки, улар исломнинг улуғ шоири, мутафаккири бўлганлари билан барча мазҳаблар ва динлардан юқори кўтарила олди, барча инсониятни

бирлаштирувчи ягона илохий ғояларни олға суриб, кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи эътиқод ва иймон, ишқ ва сифиниш, поклик ва тавбадан сўз олди: “йўллар мухталиф, аммо мақсад бир, яъни Оллоҳ ҳузури”, деб Оллоҳ қархисида ҳамманинг тенглигини исботлади. Диний бағрикенгликни уларда амалиётини кўрамиз.

Мавлоно Румий асарларидаги саҳифалар

(Мазкур расмлар Кўниядаги музейдан суратга олиб келинган)





Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичиндадур” рисоласи инсон ва олам, онг ва борлиқ, инсоннинг моҳияти, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англашга катта ёрдам беради.

Румийнинг меъёрга оид фикрларидан мисол келтирамиз:

| | |
|----|--|
| 1. | “Ҳақ ҳамма нарсани меъёрида яратгандир. Уларга бирон нарса илова қилдингми, тамом камол қусурга айланади” ¹ . |
| 2. | “Меъёрида бўлсин орзу-ю, ҳавас, Тогни қўзғатаолмас ўрнидан ҳеч хас” ² . |
| 3. | “Оқиллар дедилар:”Ҳаддингдан ошма, Қаҳр отини қистаб, ҳовлиқма, тошма” ³ . |
| 4. | Овқатланиш меъёри ҳақида: “Луқмани меъёрда олгил, эй ҳарис, Олганинг ул гарчи ҳолводир, майиз.” |
| 5. | “Ҳирсни қўй, меъёрни тутгил ҳар маҳал, Ҳирс, тамаъ жонингга душмандир азал. |
| 6. | “Мен шундай лабларнинг қули бўлайки, Билса керагида жим туришни ҳам” |
| 7 | “Илму фан - денгиз, қўринмас унга ҳад, Толиби илм унга ғаввосдир абад” ⁴ |

Мавлоно Румий назаридан нималарда ҳад бўлмаслиги ҳам назардан четда қолмаган. Охирги мисраларга эътибор беринг:

**“Илму фан - денгиз, қўринмас унга ҳад,
Толиби илм унга ғаввосдир абад”⁵.**

¹Жалолиддин Румий.Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”.2008.229-бет.

²Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”. 2008. 267 - бет.

³Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”. 2008. 267 - бет.

⁴Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий/ Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.Т.:”МЕРИYUS” ХНМК, 2010. 756-бет.

⁵Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий/ Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.Т.:”МЕРИYUS” ХНМК, 2010. 756-бет.

Ҳақиқатдан ҳам илм-фанинг ўрганилишида меъёр йўқ. Қанчалик кўп мутолаа қилсангиз, илм денгизидан шунчалик кам сув ичганингизни ҳис қиласиз. Инсонларнинг илм олишида ҳад бўлмаслиги керак, инсон ғаввос сингари илм денгизида сузиши лозим, деб таъкидлайди Мавлоно.

“Ҳақ ҳамма нарсани меъёрида яратгандир. Уларга бирон нарса илова қилдингми, тамом камол қусурга айланади”¹, деган фикр устида мулоҳаза олиб борсак. Табиат борлиғи мукаммал яратилган. Табиат борлиғидан инсониятга берилаётган нозу-неъматлар ниҳоятда чексиз... Асалари 100 граммгина асал йиғиши учун 46 000 километр масофани, бошқача сўзлар билан айтганда, Ер шари экваторини бир марта айланиб чиқадиган - teng масофада учаркан.

Мавлоно табиат оламидаги бу мурғаккина ҳашаротга атаб икки мисра ёзадиларки, бу унинг форс-тожик тилида битилган икки мисрада табиат борлиғидаги ҳикмат тўла ифодасини топган:

Хонаҳо созанд аз ҳалвои тар,
Ҳақ бар он ки илмро бикшод дар.

Таржимаси:

Ҳақ таъоло илми бирлан бол ари,
Хона тиклайди тўла ҳолвалари.²

¹Жалолиддин Румий.Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”.2008.229-бет.

²Жалолиддин Румий.Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”.2008.

Асалари оиласи бўлиши учун **Она асалари** (Беруний иборалари билан айтганда, **йаассиб**) 1 дона: Эркак ари (**Трутни**) бир неча юз дона: **ишли асалари** мингдан юз мингтагача бўлиши лозим. Бу миқдорий мутаносиблик сақлангандагина “оила” фаолиятига путур етмайди. Она асалари-яаассиб барча оила аъзоларига ишларни таҳсимлаб беради: қайси бир асал ари хона тозалигига, қайси бири хона ҳароратига, қайси бири эшик соқчилигига, яна бири нектар олиб келишга, бири уя ичидаги хоналар қурилишига жиддий масъул этиб тайинлади.

Асаларилар нектарида қанд моддаси 4,25%дан кам бўлган гулларга асло қўнмайди. Бу миқдор унинг пастки меъёр чегарасини билдиради. Нектарда қанд моддасининг меъёрдан камлигини қандай билади? – деган савол туғилиши табиий. Асаларининг ҳар бир мўйловида 15 000 жуфтдан 500 000 жуфтгача ҳид билиш аъзолари бор. Мабодо ҳидли моддани 1:1500 нисбатда эритсак, ўша ҳидни ҳам асаларилар пайқаш қобилиятига эга. Шу сабабли ҳам ер юзидағи уни энг нозик дегустатор десак, асло муболага қилмаган бўламиз. Фақатгина бир ўсимлик гулидан асал йиғадиган асалариларни **монофлерли асаларилар**, ҳар хил гул нектарларидан асал йиғадиганларни эса **полифлерли асаларилар** деб ажратилади. Кўйида келтирилган чизмада асаларининг табиий-экологик меъёри имкон даражасида келтирилган.

АСАЛАРИНИНГ ТАБИЙ ЭКОЛОГИК МЕЬЁРИ

Хонаҳо созанд пур аз ҳалвойи тар,
Ҳақ бару он ки илмро бикшод дар.

Жалолиддин Румий

Ҳақ таъоло илми бирлан болари
Хона тиклайди тўла ҳалволари

Жалолиддин Румий

Компас (йўл кўрсатувчи)ли меъёр

Ишчи асаларилар - нозик дегустаторлардир. Ҳар бир мўйловда 15000 жуфтдан - 500000 жуфтгача ҳид билиш аъзолари бор. Мабодо ҳидли моддани 1:1500 нисбатда эритсак, ўша ҳидни ҳам асаларилар пайқаш қобилиятига эга.

Экологик ниш

Ўртacha бир асалари оиласи яшаши учун 10-15 км, 1 та асалари учун эса 0.2 км, яъни 200 м ҳудуд зарур.

Математик меъёр

Асалари уялари бурчагини Кениг, Маральди, Маклорен, Форбеслар ўлчашди. Бурчак $109^{\circ}28'16.349''$ тенг. 9100 та олти бурчак уяда 4 кг гача асал йигилади.

Мувозанатли меъёр

Асаларилар галаси «саватчаси»га 0,008-0,015 граммгача (бу асалари тана оғирлигининг ўндан бир қисмини ташкил этади), нектарни олиб уйга қайтади. Асалари орқа оёқ: «саватчаларини» гулчангларига тўлдириб, бу орқали фазода учайтган мувозанатини сақлади.

Ёш умр меъёри

Она асалари 5-8 йил умр қуради, аммо фойдали фаолияти 2 йил, холос. Трутни фақат 3 ой (ёзда) яшайди. Ишчи арилар - 21 кун умр қуради.

Кенг-полифлер меъёрили арилар

Ҳар хил ўсимликлардан асал йигувчи асаларилар. Буларга: далит, ўрмон, мевали ўсимликлар нектарини йигувчи асаларилар мисол бўлади.

Ижтимоий меъёр

Она асалари - 1 та, Эркак (трутни): бир неча юзта, ишчи асаларилар 1000 дан 100000 гача оиласи.

Функционал меъёр

1 кг асал йиғиш учун асалари 10 млн асал гулларига қўниши мумкин. 1кг асал йиғиш учун 120-150 минг марта нектар учун бориб келади. 1 соатда 65 км масофани босиб ўтади. Асаларилар нектарида қанд моддаси 4,25 % дан кам бўлган гулларга аслло қўнмайди. Бу миқдор унинг пастки меъёр чегарасини билдиради. Нектарни оғизчасидан асалли жигилдонига юбориш ва ундан яна қайта оғизга, оғиздан эса жигилдонга юбориш жараёни 120 мартадан то 240 марта гача такрорланади. Бу пайт нектар таркибидаги намлик йўқола бошлиди. Нектар таркибida 40% дан 80% гача сув бўлади, нектар асалга ўтган пайт унинг намлиги 18% таркибидаги сув 18-20% га тенг бўлиб қолади. 1 ёз давомида 1 асалари оиласи 150 кг гача асал беради.

Хонаҳо созад пур аз ҳалвойи тар,
Ҳақ бар он ки илмро бикшод дар.

Таржимаси:

Ҳақ таъоло илми бирлан болари
Хона тиклайди тўла холвалари.

Мавлоно Румий ушбу икки мисрада асаларининг барча фаолиятини жамлагани инсонни лол қолдиради. Асаларининг етти хил маҳсулоти ҳам, нектарни асалга айлантириш жараёнидаги тинимсиз меҳнати-нектарни оғиздан жигилдонга; ва аксинча жигилдондан оғизга юбориб нектардаги намликтини 18%га туширишга олиб келиши, ўсимликларни чанглантириши барча-барчаси табиат борлиғидаги меъёрни ўзида мужассамлаштиргани кишини таажжублантирмай қўймайди. Асалари меҳнатини инсон ҳеч қачон бажара олмайди. Юқорида келтирилган бу икки мисра биринчидан инсониятни Қуръони Каримни тўғри англаб, хар бир мавжудотни асрash зарурлигига ишора қилса, иккинчи томонда “дин” тушунчасини моҳиятини чукур таҳлил қилишга имконият беради. Учинчидан, олам – табиат борлигининг ҳақиқатдан ҳам етук ҳикмат билан яратилганига ишорадир.

Одамй зи ҳақ омўхт илм,
То ба ҳафтўм осмон афрўхт илм.

Т а р ж и м а с и:

Одами ўрганди Ҳақдин, билди илм,
Етти осмонни чароғон қилди илм.

Оламни асрash, табиат борлигини асрash орқалигина инсониятни асрай оламиз. Бу мақсадга фақат илм-амал орқали эришилади. Қуръони Каримнинг “Наҳл” сурасида: “Наҳл – асаларилар. Сурада асалариларнинг намунали ҳаёт тарзи ҳақида оятлар мавжудлиги учун шу ном берилган.

10. У осмондан Сизлар учун ичимлик бўлмиш сувни ёғдирган зотдир. (ҳайвонларингизни) боқадиган дарахтлар (ўсимликлар) ҳам ўша сувдан иchar.

11. У сизлар учун ўша (сув) билан (турли) экинларни зайдун, хурмо, узум ва барча меваларни ундирур. Албатта, бу (иш)да тафаккур қиладиган қавм учун аломат бордир.

15. У яна, Ер сизларни тебратмаслиги учун унда тоғларни барпо қилди, (ичимлик ва экинларингиз учун) дарёларни (оқизиб қўйди) ва тўғри юришларингиз учун (йўлларни пайдо қилди).

30. Бу дунёда чиройли иш қилганлар учун чиройли мукофот бўлур.

68. (Эй Мұхаммад!) Раббингиз асалариларга вахий (буйрук) қилди: “Тоғларга, дараҳтларга ва (одамлар) қурадиган нарсаларга ин қуриңгиз.

69. Сүнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юрингиз!”. Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур.”¹

Инсон жуда-жуда меҳнатсевар бўлгани билан асалари меҳнатини ўзи ҳеч қачон бажара олмайди. Ҳар бир асалари оиласи яшаши учун лозим бўлган экологик ниш-яаш жойи (200 квадрат метр) майдон; унда эса муайян ўсимликлар бўлиши; асалари оиласидаги ижтимоий меъёр:

| Она асалари: асаларилар (сони) | Эркак (Трутни) (сони) | Ишчи (сони) |
|--------------------------------------|--------------------------|----------------|
| 1 : бир неча юзта | : 1000 дан 100 000 | |

Табиий борлиқдаги бу экологик меъёр доимо сақланади. Фараз қилайлик, она асалари ўлиб қолса, бутун бошли оила парокандаликка юз тутади. Асал билан шуғулланувчилар ҳар икки йилда оиладаги она асаларини алмаштириб туришади, чунки унинг самарали иш фаолияти икки йилда жуда юқори кўрсаткичга эга бўлади. Асалари яшайдиган худуд бўлиши учун биосферанинг маълум бир қисмида ботқоқлик, маълум бир қисмида ўрмон, маълум бир қисмида тоғ бўлиши лозим. Ботқоқликлар асаларилар учун энг қулай экологик нишларлардан бири. Бир гектар пахта майдонидан асалари ҳам пахта гулинни чанглатиб, 80 килограммгача асал йиғиши мумкин. Ҳар қандай нотабиий ҳид асаларилар учун ўлимдек гап. Шу сабабли ҳам, биосферани ёт ҳидлардан, кимёвий бирикмаларнинг ҳидларидан, автомашина чиқиндиларининг ҳидларидан холи бўлиши лозим.

100 гр асал олиш учун 46 000 километр масофани учиб ўтади. Бу Ер шари экваторини айланиб ўтиш демакдир.

¹Куръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси.Т.: “Ислом университети”.2001. 128 оятдан иборат бўлган “Наҳл” сураси.

1 кунда 7 мингта гулни чанглатади.

Йиғилган 5 кг гулширадан 1,5 кг асал олинади.

Инсон ҳам асалари бажарадиган ишни асло бажара олмайди. Ҳамма арилар ҳам асал йиға олмайди. Бу ҳақда Румий Бундай ёздилар:

“Арилар ҳам турфадирким, ҳар маҳал

Биттаси захру бири йиққай асал”¹.

Бошқа бир жойда:

“Болари этган юмушни, йўқ шак,

На арслон уdda айлар, на эшак.”²

Ҳақиқатдан ҳам асаларининг юмушини ҳеч бир инсон бажара олмайди. Ундан олинадиган маҳсулотлар инсониятга жуда қадимдан фойда келтирган.³ Асалари маҳсулотлари:

1. Асал;
2. Мум;
3. Прополис;
4. Ўсимлик чангилиги;
5. Перга;
6. Она сути;
7. Асалари заҳари.

Румий томонидан ёзилган икки мисра гўё бутун асалари оламини қоплаб олгандек... Уларнинг бундай сермаъно икки мисраси ҳозирги кунгача инсониятни шайдо қилиб келмоқда. Эътибор беринг:

“Шундай лабларнинг курбони бўлайки,

Керагида жим турадиган лабларни”.

Улар томонидан ёзилган ҳар бир мисра оламга teng, инсониятни лол қолдирган мисралардир. “Минг йил ўқисаму, мендан “нимани билдинг” деб сўрасалар, “хаддимни билдим” дейман, -деб ёздилар Мавлоно Румий.

¹Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”.2008.25-бет.

²Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.: “Шарқ”.2008. 34-бет.

³Асаларичилик эрамиздан 15 минг йиллар олдин ривожланган бўлса-да, 1848 йилда биринчи марта Туркистонга, 1872 йилда эса Тошкентга келтирилди. Масалан, асалари уяси олтибурчакли табиат мўъжизасидир.

Хўш, нега уялар олтибурчакли? Тўрт ёки уч бурчакли эмас. Олтибурчакли хоналарга асал тўрт ёки уч бурчакли хоналарга нисбатан кўпроқ сиғар экан.

Тасаввуф – бу бир томондан дин ва шариат, иккинчи томондан фалсафа ва табиий илмлар билан боғлиқ ўзига хос мураккаб таълимотдир. Тасаввуфнинг мавлавия деб номланган тариқатида биз айнан мана шу боғлиқликни кўпроқ кўра оламиз. Мавлоно Румийнинг ҳар бир мисраси моддий олам тараққиёти сирларига хос билимларни қамраб олган, у инсоннинг ички оламини, ундаги яширинча қобилиятларини очиш учун фан тараққиётига кучли таъсир кўрсатади.

Румийнинг ҳар бир мисрасидан диалектик мушоҳада уфуриб туради:

**“Ҳар нафас нав мешавад дунёи мо,
Бехабар аз нав шудан андар бақо”.**

Дунё доимо янгиланишда, ўзгаришда, тараққиётда. Факатгина табиат борлиғи бўлган олам эмас, балки инсон қалbidаги дунё-олам ҳам доимо ўзгаришда бўлади, деб таъкидлайдилар Мавлоно Румий. Аммо олам ўзгаришлар оғушида бўлса-да, у ўзининг чегарасидагина ўзгаради. Бошқача иборалар билан айтганда, табиий-экологик меъёрлари сақланади. Комил инсонларгина олам, табиат борлиғи меъёрларини билишади ва уни доимо сақлаб туришга интилади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ИЖОДИДА БУХОРО ТАЛҚИНИ

Мавлоно Румий Хурросону Мовароуннахр, Олд Осиё, Яқин Шарқда илм-фан, маърифат ва донишмандлик ўчоғи сифатида машҳур бўлган алломаларнинг хизмати туфайли шариф мақомига лойик топилган Бухоро ҳақида ҳам “Девони кабир” ва “Маснавийи маънавий” асарларида айrim хулосаларини гўзал шеърий услубда, ўта нозик фаҳм билдиради:

“Бухорое жаҳони жон ки маъдангоҳи илм он аст...”

Мазмуни:

“Жонажон ул Бухоро илм кони эрур...”

(Девони кабир, 2168 – ғазал)

Ғазал мазмунидан англашилмоқдаки, Бухоро илк ўрта асрлардаёқ илм-маърифат ўчоги сифатида танилиб бўлган. Унда вояга етган олим-фозиллар овозаси ҳам жаҳонга, ислом оламини алломаларидан тортиб оддий халқ эътирофига ҳам сабаб бўлган:

**“Ақл бифрўшу ҳунари ҳайрат бихар,
Рӯ ба хори на Бухоро эй, писар.”**

Мазмуни:

**Ақлни соту, ҳайратланиш ҳунарини сотиб ол,
Юзингни Бухорога эмас, бу хорлик томон бур”.**

(Маснавийи маънавий, 43-бўлим).

“Юзингни Бухорога эмас, бу хорлик томон бур” деганда Мавлоно сўфийлик йўлига қадам қўйган ҳар бир одам ҳайрат оламига ғарқ бўлиб, шон-шараф, машҳурлик сари интилиши керак эмаслигини таъкидлар экан, айни пайтда Бухоронинг ўша пайтда шон-шухрат ва машҳурлик чўққисида эканлигига ишора қилмоқда.

Дунё доимо янгиланишда, ўзгаришда, тараққиётда. Фақатгина табиат борлиғи бўлган олам эмас, балки инсон қалбидаги дунё-олам ҳам доимо ўзгаришда бўлади, деб таъкидлайдилар Мавлоно Румий. Аммо олам ўзгаришлар оғушида бўлса-да, у ўзининг чегарасидагина ўзгаради. Бошқача иборалар билан айтганда, табиий-экологик меъёрлари сақланади. Комил инсонларгина олам, табиат борлиғи меъёрларини билишади ва уни доимо сақлаб туришга интилади.

**“Ин Бухоро манбай дониш бувад,
Бас, бухориест ҳар кинниш бувад”.**

Мазмуни:

**“Бухоро илмларнинг булоғи,
Кимки бухоролик бўлса, унда ўша илм бўлади”,**

Бошқа бир таржимада:

**Бу Бухоро донишмандлик манбаидир,
Бас, кимки бухороликдир, ўшалар, яъни дониш
аҳлидандир”**

(Маснавийи маънавий, 181-бўлим).

деб, Бухоро шаҳрини илмлар макони эканлигига ишора қиласади. Бухоро тўғрисида гап кетса, ҳурмат билан қулоқ

солинганлиги, унга ҳурматсизлик қўрсатилмаганлиги айниқса, эътиборлики, буни XIII аср мутафаккирлари тилидан эшитиш Бухоронинг салоҳияти қай даражада юксак эканлигидан далолат қилиб турибди. Бошқа бир жойда:

“Бухороликка хорлик кўзи билан қарама”.

деган мисралари орқали илмли инсонни авайлашга инсониятни чақиради.

Бухоро тўғрисида гап кетса, ҳурмат билан қулок солинганлиги, унга ҳурматсизлик қўрсатилмаганлиги айниқса эътиборлики, буни XIII аср мутафаккирининг тилидан эшитиш Бухоронинг илмий салоҳияти қай даражада юксак эканлигидан далолат бериб турибди:

**“Гар дам халаъу мубарро меравад,
Бад мабин, зикри Бухоро меравад.”**

Мазмуни: Агар сўзларим бир оз яланғоч ва очик айтилаётган бўлса,

Бундан ёмонлик излама, чунки гап Бухоро тўғрисида кетмоқда.

“Маснавий маънавий, 184 – бўлим).

Мавлоно Румий “Девони кабир” ва “Маснавий маънавий” асарларида 26 марта Бухоро номини зикр қиласи. Қайта-қайта бухороликлар шаънини улуғлаб ёд этганки, буларнинг барчаси Бухоронинг жуда қадимдан илм-фан маркази бўлганлигидан далолат беради. Бухорода илм ўрганиб, жаҳон фан-тараққиётига улкан хисса қўшган олимлар дунёнинг бошқа шаҳарларида яшаётганлиги ҳамда уларнинг кўплигидан шодланади. Улар фақатгина ўз номларинигина эмас, балки Бухоро шаҳри номини ҳам тарихда Бухоро – фан бешиги, деб унинг номини шарафли шаҳарлар номи қаторига киритиб кетганликларига алоҳида урғу беради.

Мавлоно Румий қалбини изтироб, қайғу, ташвиш, дил хиравликлар қоплаганда, уни даволаш малҳами Бухоро эканлигига аниқроғи, илм чашмасидан излаш лозимлигини уқтиради:

**“Гарчи дил чун сангю хоро мекунад,
Жони ман азми Бухоро мекунад.”**

Мазмуни:

“Агар дилимни тошу тиканлар босар бўлса,
Менинг жоним Бухоро азмини қилгай,
яъни Бухорога боришни истаб қолар”
(Маснавийи маънавий, 181-бўлим)

ФАЙЛАСУФ – ШОИР ЯШАГАН ШАҲАРЛАР

Балх, Вахш, Термиз, Самарқанд, Хурросон, Бағдод, Ҳижоз,
Куфа, Нишопур, Сивас, Ниғде, Эрзинжон, Шом (Сурия),
Ҳалаб, Дамашқ, Қайсария, Лоранда (Караман), Кўния.

Вафотлари

Мавлоно 1273 йил 17 декабрда (яъни, 672 хижрий йил
жумодиюл-охир ойининг бешинчи (якшанба) қуёш ботган
пайт) дунёдан кўз юмади.

Жалолиддин Румийнинг Кўниядаги қабрлари

Жалолиддин Румий ҳазратларининг мақбараларига
кирганингизда у зотнинг зиёратгоҳ деворига нақшинкор
ҳошия ичига ёзилган қуйидаги сатрлар кўзингизга тушади:

“Яна кел, яна..
Ким бўлсанг – ўша бўл,
Хоҳ кофир, хоҳ мажусий, хоҳи бутпараст.
Майли, юз карра тавба қилган бўл,
Майли, юз карра бузган бўл тавбани.
Умидсизлик даргоҳи эмас, бу даргоҳ,
Қандай бўлсанг – шундайича келавер”.¹

Хозирги вақтда 17 декабрдан 27 декабргача “Шаби урс”
Мавлонони хотирлаш (эслаш, ёд этишнинг) тантанали
маросими ўтказилиб келинади.

Мавлоно Румийнинг тўнғич фарзанди Султон Валад ота
изидан боради. Отасининг ҳаёти ҳақида унинг мухлислари
учун “Валаднома” номи билан машҳур достон ёзди. Уларнинг
“Маориф” номли асарлари ҳам мавжуд.

¹ Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларига шарҳлар. Найнома. 2011.Т.: “Muharrir nashriyoti”153-бет.



Туркияning Конъя (Кўния) шаҳридаги Мавлоно Румий мақбараси



ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲАЁТИГА ОИД САНАЛАР ХРОНОЛОГИЯСИ

| | Саналар | Мазмун, маъно, ҳодисалар |
|----|--------------------------|--|
| 1 | 1207 йил 30 сентябрда | Хурросон (ҳозирги Афғонистон)нинг Балхида Жалолиддин Румий дунёга келди. Уларнинг исмлари Жалолуддин Муҳаммад ибн Баҳоуддин ибн Хусайн ибн Аҳмад ал Ҳатиб ибн Собит ибн Масиб ибн Мутаххар ибн Ҳаммод ибн Абдураҳмон ибн Абубакр. |
| 2 | 1211 йил | Султон Валаднинг оиласининг Термизда яшashi |
| 3 | 1212 йил | Султон Валаднинг оиласи билан Самарқандда яшashi |
| 4 | 1216 йил | Хоразмшоҳ буйруғи билан Маждууддин Бағдодийнинг боши танасидан жудо қилинди ва унинг танаси Амударёга ташланди. |
| 5 | 1217 йил | Хоразмшоҳнинг халифалик пойтахти бўлган Бағдодга омадсиз юриши |
| 6 | 1219 йил | Чингизхоннинг Ўрта Осиёга хужуми ва Баҳоуддин Валаднинг оиласи билан биргаликда Балхдан жўнаб кетиши |
| 7 | 1221 йил | Лоранда (ҳозирги Туркиядаги – Караман шаҳри) шаҳрига келиш. Мазкур шаҳар Салжуқийлар султонига карашли бўлган. Айнан шу пайтда Алоуддин Кай Кубод томонидан Қўния қалъасини қурилиш ишлари бошланади. |
| 8 | | Лоранда шаҳрида оналарининг вафот этиши |
| 9 | 1225 йилда | Жалолиддин Румий Самарқандлик савдогарнинг қизи Гавҳар хотинга уйланадилар. |
| 10 | 1226 йил | Жалолиддин Румийнинг тўнғич ўғли Валад дунёга келди. ¹ |
| 11 | 1231 йил 12 январ | Румийнинг дадалари Баҳа-ад-Дин Валад вафот этдилар. Баҳаад-Дин Валад (1148-1231) 83 ёш умр кўрганлар. Жалолиддин Румий Суриядаги Халавий Алеппо мадрасасига 1232 йил ўқишига кетадилар. Дамашқ ҳукмдори таклифи билан ўқишлиарни Муқаддасия ва Баротия мадрасаларида давом эттирадилар. Ибн Арабий Садриддин Кунавий ҳамда |

¹Жалолиддин Румийнинг муборак қабрлари ёнида уларнинг фарзандлари дафн этилган.

| | | |
|----|----------------------|--|
| | | Сухравардийларнинг интеллектуал меросини чукур ўрганадилар. Мансур Ҳаллож таълимоти сирларини чукур ўрганадилар. Диний, фалсафий, мантиқий билимларини билимдонига айландилар. |
| 12 | 1232 йил | Оталари вафотидан сўнг уларнинг шогирдлари Бурхониддин Муҳаккиддан – Сирдон Термизийдан тариқат илмини ўрганадилар. Илм сарҳадларини ўрганиш тўққиз йил давом этди. |
| 13 | 1234 йил | Миср султонининг Кичик Осиёга муваффақиятсиз юриши. |
| 14 | 1237 йил | Султон Алоуддин Кай Кубот I нинг ўз ўғли томонидан заҳарланиб ўлдирилади. |
| 15 | 1239-1244 йиллар | Кўнияда Румий томонидан “Мажлиси сабо” Китобидан намуналар ўқилиши. |
| 16 | 1241 йил | Сайд Бурхониддиннинг Қайсари шахрида вафот этиши. |
| 17 | 1243 йил | Мавлоно Шамсиддин Табризий билан учраши. |
| 18 | 1244 йил 26 ноябр | Кўнияга Шамсиддин Табризийнинг келиши. Кўниядаги “Мажмаъул-баҳрайн” (“Денгизлар учрашган жой – ҳозирги “Салжуқ-палас” ёни)да 1244 йилнинг 26 ноябрь куни “Икки азим маънавият денгизи”, яъни, Мавлоно билан Шамс учрашганлар. Бу жой Туркия халқи хотирасида мўътабар қадамжолардан бири сифатида ҳозиргacha мухрланиб, сақланиб қолган. |
| 19 | 1246 йил 15 феврал | Шамс Табризийнинг уламолар фитнаси туфайли Кўниядан чиқиб кетиши. |
| 20 | 1247 йилнинг бошлари | Шамс Табризийнинг Дамашқдан Жалолиддин Румийга йўллаган мактуби. |
| 21 | 1247 йил апрел | Султон Валад оталарининг илтимосига биноан Шамс Табризий билан учрашилар. |
| 22 | 1247 йил 8 май | Султон Валад билан Шамс Табризийнинг Кўнияга бирга келишлари. |
| 23 | 1247 йил 5 декабр | Шамс Табризийнинг ўлдирилиши ва бу ўлимда Жалолиддин Румийнинг кичик ўғли Алоуддиннинг кўли борлиги. |
| 24 | 1248 йил | Шамсиддин Табризийнинг сирли йўқолиб қолиши, айнан мана шу интеллектуал йўқотиш эди. |
| 25 | 1248 йилдан бошлаб | Девони Кабир ёхуд Девону Шамси Табризий ғазаллар тўпламини яратишига туртки бўлди. Девони Шамси Табризий 42 минг байт ва 3502 ғазал, |

| | | |
|----|---|--|
| | | қасида, таржеот ва муқаттаот, 1995 рубоий (тўртлик)дан иборат бўлган. |
| 26 | 1249 йил | Румий ўзининг халифаси этиб Салоҳиддин Зарқўпни танлайди |
| 27 | 1256 йил | Кўния яқинида мўғиллар томонидан Салжўқийлар қўшинингга ҳужум уюштирилади. Тахтга Султон Рукниддин Қиличарслон II ўтиради. Муиниддин Парвонанинг қайтиши. |
| 28 | 1257 йилдан бошлаб | Хисомиддин Чалабий тақлифи билан VI жилдли “Маснавий Маънавий”ни яратилиш ишлари бошланиб кетади. |
| 29 | 1258 йил 28 декабр | Салоҳиддин Зарқўпнинг вафот этиши ва Ҳусомиддинни Румийнинг халифаси этиб тайинланиши. |
| 30 | 1264 йил | Маснавий Маънавийнинг II жилдини ёзишни бошланиши |
| 31 | 1265 йил | Муиниддин Парвона мўғуллар ёрдамида Султон Рукниддинни ўлдиритиради ва тахтга унинг 6 ёшли ўғлини ўтқизиб қўяди. |
| 32 | 1257 йилдан 1269 йиллар мобайнида | “Маснавий Маънавий” ёзилиш даврлари |
| 33 | 1273 йил 17 декабрида | Туркияning Кония шаҳрида вафот этдилар. Ҳозир 17 декабрдан 27 декабргача “Шаби урс” Мавлонони хотирлаш (эслаш, ёд этишнинг) тантанали маросими ўтказилиб келинади. |

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ (БАЛХИЙ) МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАҲОНДАГИ АҲАМИЯТИ

Олмон файласуфи Георг Фридрих Вилгельм Гегель Румий ва Ғаззолий асарларидаги диалектик мушоҳададан илҳомланиб, ўзининг “Мантиқ фани” асарини яратган. Гегел Румий ва Ғаззолийни - бу икки алломани - “Шарқнинг ўтқир ақл соҳиблари” деб, уларга юксак баҳо берган. Қарама – қаршиликлар бирлигини ҳам, диалектик инкорни, мантиқий

таҳлиллар, хулоса, илмий билиш, илмий билиш босқичларини, табиат борлиғи, инсон руҳий борлиғи, уни юксалиш поғоналари, унга таъсир этувчи омилларни ҳам Гегелдан анча илгари Шарқ алломалари ўз асарларида чуқур ёритишган.

“Ўшал Ахмадману, аммо кечаги Ахмад эрмасман,
Самандар қушману, лекин кечаги донни ермасмен.”

**** * *** ***

“Куёш ботса, тағин бўлғуси пайдо,
Тўкилса ерга дон – бўлгай ҳувайдо.”

Айнан илмнинг Шарқдан Ғарбга томон келганлигини, диалектика пойдевори, инсон руҳи тарбиясига оид фикрлар барча-барчаси Шарқ мутафаккирлари томонидан бир неча аср олдин қўйилганлигини Садриддин Салим Бухорий ўзининг “Дилда ёр” асарида қуидаги мисралар орқали изоҳлайди:

Қолиб Румий, Навоий, Ҳаллож,
Ўрганмасдан Бедилни,
Сингдирибман онгга, ажабо,
Фейербах, Кант, Гегелни,
Гегелдан мен Румийга келдим,
Келдим Нақшбандияга,
Ваҳоланки, Румийдан Гегель
Озиқ олган мияга.
Бошим тегди Ғарб деворига,
Нени излаб елибман!
Мен машриқлик Шарқдан Ғарбгамас,
Ғарбдан Шарққа келибман¹.

Ҳамиша афсонавий бўлиб келган Шарқ ўз адабиёти ва санъати билан ҳам Европа халқларини мафтун этганлиги сир эмас. Шарқ адабиётининг даҳолари – Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Хайём, Низомий, Аттор, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бобур ва Бедилнинг инсонпарвар ва ҳаётсеварлик ғоялари билан йўғрилган адабий-илмий мероси Ғарб шоир ва ёзувчиларини илҳомлантириб келган. Аммо ана шу улуғ мутафаккирларимиз орасидан буюк шоир, мутафаккир, “Мавлавия” тариқатининг асосчиси Мавлоно

¹Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр.Т.:Faafur Fулом нашриёти.1993.

Жалолиддин Румий (Балхий) номи ва маънавий мероси европаликларга кўпроқ таниш. Машҳур румийшунос олима Аннемарие Шиммел таъбири билан айтганда, “Ғарбда ислом орифларидан ҳеч ким Жалолиддин Румий даражасида танилган эмас».

2007 йилнинг 5 февралида “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбек тилидаги шеърий таржимасини амалга оширгани учун машҳур ўзбек шоири, ёзувчи ва таржимон Жамол Камол “Эрон Халқаро Йил китоби” мукофотини олишга мушарраф бўлди. Жамол Камол Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида “ИРНА”га берган маҳсус интервьюсида шундай деди: “...ўтган 800 йил мобайнида “Маснавийи маънавий” ўзбек тилида шеърий таржима қилинмаган, бугунги кунда Мавлоно Румий шеърлари ва панд-ҳикматлари жаҳон халқларининг дикқат-эътиборини ўзига жалб этаётгани, шу боис ҳам БМТнинг илмий-маданий ташкилоти – ЮНЕСКО томонидан 2007 йил “Мавлоно Жалолиддин Балхий йили” деб эълон қилинганини ҳам таъкидлаб ўтди. У Эрон томони масъул ходимларининг “Маснавийи маънавий”нинг ўзбек тилидаги тўла нашрини амалга ошириш ва асар таржимонини тақдирлаш бобидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида аҳамиятга эга, деб баҳолар экан, шундай изҳор этди: “Ушбу мукофот билан тақдирлаш мени форсий адабиёт таржимасига янада кўпроқ рағбатлантириди. Бунинг учун мен Эрон Президенти ва Эроннинг Ўзбекистондаги маданият ваколатхонаси масъул ходимлари, хусусан, “Маснавийи маънавий”нинг олти жилдини нашр эттиришда яқиндан ёрдам берган Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси Маданият ваколатхонасининг собиқ раиси Аббасали Вафоийга миннатдорчилик изҳор этаман”.

“Маснавийи маънавий”нинг олти жилдини таржима қилиш жараёнида шундай хulosага келдимки, - дейди Жамол Камол, - Оламнинг гавҳари Инсон, Инсоннинг гавҳари қалб, Қалбнинг гавҳари Иймон, Иймоннинг гавҳари Инсоф ва Инсоф эса инсониятни синовдан ўтказадиган пок дин экан”.

2017 йил Мавлоно таваллудларини 810 йиллиги нишонланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. / Муқаммал асарлар тўплами.17-жилд,Т.: “Фан”.2001. 325-326 бет.
2. Бухорий С.С. Дилда ёр: (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд): Бадиа.-Т.:Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993. 80 б.- (Турк дунёси юлдузлари).
3. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар.Тўплаб нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. Т.:”Шарқ”.2008.
4. Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ қуйчиси (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. Техрон.: 2001. 10-бет.
5. Румий Жалолиддин. Ҳикматлар. Т.:”Шарқ”.2008.
6. Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий/ Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.Т.:”MEPIYUS” XНМК, 2010.
7. Турсунов С., Э.Қобилов,Т.Пардаев, Б.Муртазоев. Сурхондарё тарих кўзгусида.Т.:”Шарқ”.2001.106-бет.
8. Қуръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси.Т.: “Ислом университети”.2001.
9. “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси”. Самарқанд. Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти.2016.
10. Фиш Радий. Жалолиддин Румий: Тарихий биографик роман (Русчадан Ж.Камол тарж.)-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.272 б.



*Мен ўлган кун дамо-дам чекмангиз гам,
Бу кунни ҳижрон деб ўйламанг ҳам.
Бу кун васли висолдир,
Висолда гам чекиши күфри увولدир.*



Жалолиддин Румийнинг Девони Кабир асари

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Исми-шарифи..... | 3 |
| У зот ким эдилар? | 3 |
| Қаерда, қачон туғилғанлар? | 3 |
| Шахсий ҳаётлари | 5 |
| Жалолиддин Румий асарлари | 15 |
| Жалолиддин Румий ижодида Бухоро талқини | 27 |
| Файласуф – шоир яшаган шаҳарлар | 30 |
| Жалолиддин Румий ҳаётига оид саналар хронологияси | 32 |
| Мавлоно Жалолиддин Румий (Балхий) маънавий меросининг жаҳондаги аҳамияти | 34 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 37 |

Muharrir: A. Qalandarov
Texnik muharrir: G. Samiyeva
Musahhih: Sh. Qahhorov
Sahifalovchi: M. Bafoyeva

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010.
Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 12.04.2022.
Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman»
garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi.
Bosma tobog`i 2,5. Adadi 100. Buyurtma №149.

“Sadiddin Salim Buxoriy” MCHJ
“Durdon” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadiddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26